БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 57 (17.637). • 8 март 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

Бизнинг Ватанимиз ўзининг тарихий ютуқларига кўп жиҳатдан совет хотин-қизларининг фидокорлиги ва истеъдоди туфайли эришди. Уларнинг меҳрибон қўллари, қалб саховати ва олижаноблиги ҳаётимизнинг кўрки бўлиб, эзгулик ва гўзалликни қарор топтирмоқда.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ТАБРИГИДАН).

ВАТАННИНГ ШОНЛИ ҚИЗЛАРИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Барча қитъалардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг бирлиги ва бирдамлиги бўлиб қолган Халқаро хотин-қизлар куни бу йил 70-марта нишонланмоқда. Мамлакатимизда бу кун энг порлоқ ва қувончли байрамлардан биридир.

Бу йил 8 Март В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Совет кишилари яшаш, ишлаш, курашиш ва ғалаба қозонишни Ленинсиз ўрганмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига табрикномасида партия Ленининг васиятини амалга оширди — совет хотин-қизлари социалистик жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар, дейилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатларининг маҳаллий Советларига ўтказилган сайлов 8 Март арафасида ёрқин воқеа бўлди. Сайлов совет кишиларининг Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганлигини, партиянинг ички ва ташқи сиёсати тўла маъқулланганлиги ва астойдил қўллаб-қувватланганлигини намойиш қилди.

Москва партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари 7 март куни ССР Иттифоқи Большой театрига тўпландилар. Бу ерда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш аҳли **В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғор меҳнаткаш хотин-қизлари, олимлар президиумга чиқадилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан йиғилиш фахрий президиумига сайланади.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева очди. У коммунистик қурилишда совет хотин-қизларининг ролига юксак баҳо берганликлари учун, КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги унинг Сиёсий бюроси совет халқининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида, мамлакатимиз хотин-қизлари ҳақида, бутун дунёда тинчлик тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия Марказий Комитетига чуқур миннатдорчилик ҳисларини изҳор этди.

Бу йил — ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилидир. Бинобарин, совет кишилари, деди Совет дўстлик жамиятлари союзининг раиси З. М. Круглова, бу йилни зардобларча ишлаш, ленинчасига ишлаш билан нишоналамоқдалар. Совет хотин-қизлари ўз шахсий бахтлари, оилаларининг саодати, болаларнинг келажаги Ватан тақдири билан чамбарчас боғланганлигини биладилар.

З. М. Круглова совет хотин-қизларининг тинчлик учун курашдаги ролига, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг фаолиятига тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади: жаҳоннинг тараққийпарвар хотин-қизлари қуролланиш пойгасига, ҳарбий бюджетларнинг кўпайтирилишига, ядро урушининг хавфига қарши курашаётганларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ташаббусларнинг амалга оширилиши халқаро тараққиётни кескинликни юмшатишнинг барқарор ўзагини қайтариш имконини беради.

Совет хотин-қизлари коммунистик қурилишдаги ўз ролини, ўз интернационал бурчини чуқур англаб, партия берган юксак баҳони оқлаш учун, коммунизм учун курашда меҳнаткашларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги интернационал бирдамлигини мустаҳкамлаш йўлидаги курашнинг ҳамиша олдинги сафида бориш учун ҳамма ишни қиладилар.

Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг фрезерчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. П. Карпов йиғилиш аҳлини Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклади. Хотин-қизлар мамлакатимиз халқ хўжалигининг, фан, маданият, санъатнинг ҳамма соҳаларида фидокорона ва фаол меҳнат қилмоқдалар, деди у. Бугунги кунда совет аёли — ҳам меҳнатчи, ҳам меҳрибон она, ҳам уй бекасидир. Лекин унинг асосий хусусияти — гражданлик бурчини юксак ҳис этиш, бутун мамлакат ишларига алоқадорлигидир.

Биз эришган нарсаларнинг ҳаммаси партиянинг ҳоҳиш-иродаси, совет халқининг меҳнати билан яратилган. Аниқ шу зафарларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев жуда катта роль ўйнамоқда. 35 йилдирки, халқимиз тинч яшамоқда. Биз ҳозир ҳам яна тинчлик ҳақида гапирмоқдамиз, чунки болаларимизнинг, оналаримизнинг бахти ер юзидаги тинчликдан ажралмасдир.

Москва областининг парандабоқари, Томилин парандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори М. П. Зорина минбарга чиқиб бундай деди: мен бу ерда Москва области қишлоқ меҳнатчиларининг вакили сифатида қатнашмоқдаман. Бинобарин қишлоқ меҳнаткашлари ишчилар синфи билан бир сафда бораётганликларини айтиш бугунги кунда менга қувонч бахш этади. Биз ўтган йилнинг қатто мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам Москва шаҳрининг ва Москва области саноат марказларининг меҳнаткашлари ёрдамига таяниб, давлатга дон, картошка, сабзавот сотиш планини оширибберажардик.

Олимпиада ўйинларининг уч карра чемпиони, жаҳон ва Европанинг кўп марта чемпиони И. К. Роднина бундай деди: бизнинг байрамимиз шунинг учун ҳам, айниқса, муҳимки, ер юзида хотин-қизларнинг қучи етмайдиган бирорта иш йўқ. Хотин-қизлар энг катта муваффақиятларга эришаётган бирорта ҳам соҳа йўқ. Мен спортчи сифатида шу нарсани алоҳида айтмоқчиманки, бизнинг мамлакатимизда одамлар, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик тарихда биринчи марта давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Социалистик давлатимиз пойтахти — севимли Москвамизда энг ваколатли спорт мусобақалари бўлган ёзги Олимпиада ўйинларининг машъали ёнадиган тўлқинлантирувчи дақиқаларга жуда оз вақт қолди. Мен аминманки, совет спортчилари Олимпиада ҳаракатининг тарихига янги ёрқин саҳифалар ёзадилар.

Пойтахт пионерлари тантанали йиғилиш қатнашчиларини байрам билан қутладилар.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, ССРР Министрлар Советига йўллаган табрикномасида Москва хотин-қизлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашда ўз куч-ғайратларини қўпайтирадилар, деб якдиллик билан ишонч билдирдилар.

(ТАСС).

Ишчи дугоналар. А. Тўраев фотоэтюди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан ССРР Министрлар Совети «Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда Улуғ Ватан урушининг иштирокчиларига қуйидаги қўшимча имтиёзлар белгиланади:

I ва II группа инвалидларга темир йўлда ёки дарё флотининг транзит ва маҳаллий линияларида қатновчи кемаларда йилига бир марта белул бориб келиш ҳуқуқи берилади;

III группа инвалидларга ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзоларига квартира ҳақини ҳамда иситиш, водопровод, газ ва электроэнергиядан фойдаланиш учун белгиланган ҳақни, марказлаштирилган усулда иситилмайдиган уйларда яшовчиларга эса, аҳолига сотиш учун белгиланган нормалар доирасида сотиб олинган ёқилғи ҳақини 50 процент чегириш кўзда тутилади;

III группа инвалидлар олаётган иш ҳақи юзасидан унинг миқдоридан қатъи назар даромад солиғи тўлашдан озод этилди;

муддатли ва муддатсиз хизматдаги оддий аскар ва сержантлар составидан бўлган ҳарбий хизматчилар, прапоршчиклар ва мичманлар орасидаги I ва II группа инвалидларга инвалидлик юзасидан тўланаётган пенсиялар миқдори 10 процент (белгиланган энг кўп миқдор доирасида) оширилди.

Муддатли хизматдаги оддий аскарлар составига мансуб ҳарбий хизматчилар орасидаги III группа Ватан уруши инвалидларининг инвалидлик пенсиялари минимал миқдори ойига 33 сўмдан 40 сўмга етказилди.

ССРРни ҳимоя қилиш чоғида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажариш вақтида яраланган, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ равишда касалга чалиниш оқибатида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар орасидаги инвалидлар, шунингдек ССРР Ички ишлар министрлиги органларининг хизмат вазифасини ўташ вақтида яраланиш, контузия ёки майиб бўлиш оқибатида инвалид бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий ходимлар составига мансуб кишилар орасидаги инвалидлар бу имтиёзлардан фойдаланадилар.

Гражданлар урушида Улуғ Ватан урушида ва ССРРни ҳимоя қилиш соҳасидаги бошқа жанговар операцияларда қатнашган, ҳаракатдаги армия составига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизмат ўтаган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғини 50 процент чегириш ҳамда уларга уй-жой билан имтиёзли равишда таъминланиш ҳуқуқи белгиланиши зарур, деб топилди.

КПСС Марказий Комитети билан ССРР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига қонунда белгиланган имтиёзлар ва енгилликлар берилиши устидан мунтазам контроллик қилишни, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига доимо эътибор беришни тавсия этдилар.

Мазкур имтиёзлар 1980 йил 1 майдан бошлаб жорий этилади.

ГОЛИБЛАРГА — МУКОФОТЛАР

Ўзбекистонда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голибларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топширишга бағишлаб тантанали йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Улар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганликлари, 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганликлари учун ана шу юксак мукофотларга сазовор бўлишган.

Хўжайли районининг меҳнаткашлари Қорақалпоғистон АССР экономикасига катта ҳисса қўшмоқдалар. Бунда йилдан-йилга янгидан-янги муваффақиятларга эришаётган пахтакорлар ва чорвадорларнинг, гидросозлар, энергетиклар, темирйўлчиларнинг ҳиссаси ҳам бор. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов голибларга мукофотни топширди.

Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» богдорчилик-узумчилик совхозининг меҳнатчилари беш йилликнинг тўртинчи йилини зарбдорларча ўтказдилар: давлатга маҳсулотнинг асосий турларини топшириш беш йиллик плани барвақт бажарилди. Пастдарғомликлар бу йил учун янада катта марраларни белгиладилар. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов совхозга Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолиби байроғини топширди.

Йиғилишларнинг иштирокчилари юксак мукофот учун самимий миннатдорчилик изҳор этиб, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар беш йилликнинг якунловчи йилида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятларини кўпайтиришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини янгидан-янги ютуқлар билан нишонлаш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун барча резервларни ишга солишга қатъий аҳду паймон қилганликларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 7 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Жиззах область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Э. Исломов область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Депутатлар алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

* * *

НАМАНГАН, 7 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Наманган область Советининг бугун бўлиб ўтган биринчи сессиясида М. Обидшоев область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессияда КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг талаблари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида маҳаллий Советлар ва саноат корхоналарининг вазифалари муҳокама этилди.

* * *

БУХОРО, 7 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Бухоро область Советининг биринчи сессияси У. Асатовни область ижроия комитетининг раиси қилиб сайлади.

Депутатлар КПСС XXV съезди талаблари асосида коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат бошқармалари ишини янада яхшилаш тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тингладилар.

* * *

УРГАНЧ, 7 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Хоразм область Советининг биринчи сессиясида Р. Эшчонов область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессия қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданияти аҳволи ва уни партия XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми талаблари асосида янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама этди.

* * *

САМАРҚАНД, 7 март. (ЎзТАГ). Янги чақириқ халқ депутатлари Самарқанд область Советининг бугун бўлиб ўтган биринчи сессиясида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. С. Ҳамроқулов область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессия қатнашчилари сайловчилар янги чақириқ депутатларига берган наказларини амалга оширишга халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифаларини ҳам муҳокама қилдилар.

МЕҲНАТКАШ АЁЛ — ОНАГА БАҒИШЛАНАДИ

7 март куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди. Республика пойтахти партия, совет, жамоат ташкилотларининг намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари А. Навоий номли ўзбек давлат академик опера ва балет Катта театрига йиғилдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Е. Енубжонова очди.

Докладчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонова, Қаҳрамон она М. Ойтўраева, Низомий номли Тошкент педагогика институтининг студенти С. Хайдарова ўз нутқларида совет хотин-қизларининг бахтли тақдири, уларнинг меҳнатда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, коммунизм биноқорларининг ёш ўринбосарларини тарбиялашда актив қатнашаётганликлари тўғрисида жўшқинлик билан гапирдилар. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси И. М. Басанец, шоир Э. Воҳидов, Тошкент олий танк командирлари билим юртининг курсанти И. С. Пулко хотин-қизларни самимий табриклаб гапирдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар совет хотин-қизларининг бахт-саодати, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этдилар.

Болалар тантанали йиғилиш иштирокчиларини байрам билан қутладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Н. Маҳмудов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республикадаги бир қанча министрликлар ва идоралар билан биргаликда 6 март куни Тошкентда «В. И. Ленин ва Шарқ хотин-қизлари» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Конференцияда саноат корхоналарининг ёш ишчи хотин-қизлари, қишлоқ меҳнатчилари, фан ва санъат арбоблари, комсомол ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияда қизларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини янада ошириш соҳасида комсомол ташкилотлари ишининг асосий йўналишлари белгиланди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

7 март куни янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. В. О. Козимов шаҳар ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессия қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумининг ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқи талаблари асосида 1980 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида шаҳар Советининг вазифаларини муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

Резервлардан тўлароқ фойдаланайлик

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат маҳсулотини реализация қилиш 1980 йил январь-февраль ойлари планини 101,6 процент бажарган, саноат ишлаб чиқаришни ҳажми 1979 йил январь-февраль ойларидагига нисбатан 5,4 процент ўсган, меҳнат унумдорлиги 2,6 процент ошган.

Қорақалпоғистон АССР, область партия ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулотини реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги юзасидан 1980 йил январь-февраль ойлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

(Биринчи устун — республика, областлар ва Тошкент шаҳри, иккинчи устун — маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, учинчи устун — ишлаб чиқариш ҳажми планининг бажарилиш проценти, тўртинчи устун — меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти, бешинчи устун — 1980 йил январь-февраль ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 1979 йил январь-февраль ойларига нисбатан процент ҳисобида).

Ўзбекистон ССР	**101,6**	**101,2**	**100,7**	**105,4**
Қорақалпоғистон АССР	**102,1**	**103,5**	**101,2**	**129,3**
Андижон области	**100,8**	**101,0**	**100,5**	**112,9**
Бухоро области	**101,1**	**100,0**	**101,5**	**104,2**
Жиззах области	**102,2**	**101,3**	**102,4**	**110,1**
Қашқадарё области	**101,4**	**101,0**	**101,8**	**108,5**
Наманган области	**102,6**	**102,3**	**100,4**	**103,4**
Самарқанд области	**100,8**	**100,2**	**99,1**	**102,4**
Сурхондарё области	**103,0**	**102,3**	**102,2**	**102,1**
Сирдарё области	**100,4**	**99,1**	**97,9**	**115,8**
Тошкент области	**101,5**	**101,7**	**101,5**	**101,7**
Фарғона области	**101,9**	**102,0**	**100,1**	**98,6**
Хоразм области	**101,4**	**99,5**	**98,4**	**111,6**
Тошкент шаҳри	**101,8**	**101,4**	**101,4**	**107,1**

Кўмир, газ ва нефть қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, пахта терими машиналари, трактор сеялкалари, ички трикотаж, пайпоқ, шойи газлама, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш планини оширибберажарилди.

Шу билан бирга айрим бирлашмалар ва корхоналар маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилишини таъминламадилар. Ўзбекистон металлургия комбинати, Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Самарқанд суперфосфат заводи, Бекобод цемент комбинати, Навоий цемент заводи, Поп шаҳридаги «Ўзбеккровля» комбинати, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, Ленинск дон маҳсулотлари комбинати, Урганч ёғ-мой саноати бирлашмаси ва бошқалар шундай корхоналар жумласидандир.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим коллективларнинг планни бажармаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини пасайтириб юбориш сабабларини текширибберкўриб, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда уларга зарур ёрдам беришларидан лозим.

Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, материал ва меҳнат ресурсларини тежаш асосида корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш, ҳар бир корхонанинг 1980 йилги ва беш йиллик планларини ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайдиган шароитларини яратиш, меҳнат коллективларнинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун сафарбар этиш лозим.

КОММУНИЗМНИНГ ФИДОКОР БУНЁДКОРЛАРИ

ШОДИЁНАМИЗ

Бугун фақат хотин-қизлар учунгина эмас, балки социалистик-социалистик тараққиёт йўлида курашаётган, Коммунистик партия режаларини собитқадамлик билан амалга ошириб, коммунизм пойдеворини бунёд этаётган барча кишилар учун ҳам қутлуғ байрамдир. Совет хотин-қизлари фарзанд ўстириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш, фаннинг уфқларини кенгайтириш билангина чекланаётганлари йўқ. Улар бутун жўшқин ҳаётимизда, мамлакатимизда коммунистик қурилиш режаларини рўёбга чиқаришнинг барча жабҳаларида, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда фаол қатнашмоқдалар. Қуйида коммунизмнинг ана шундай жонкуяр бунёдкорларидан учтасига сўз бермоқдамиз.

МУСОБАҚАДА ТУҒИЛГАН ДЎСТЛИК

БИЗ — ЧОРВАДОРЛАР партиямиз XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда фаол қатнашмоқдамиз. Зарбдор вахтамиз эндиликда В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллик шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик жараёнида янада юксак суръат касб этмоқда. Биз меҳнатда ташаббус кўрсатиб, резервларни тобора тўлароқ ишга солиб, меҳнатда юксак натижаларга эришмоқдамиз. Муваффақиятларимизни кўпайтираётган, бизга куч ва ғайрат бағишлаётган яна бир омил борки, у ҳам бўлса Эстониянинг машҳур сут соғувчиси Лейда Пейпс билан ҳамкорлигимиздир. Халқаро хотин-қизлар кунида бу дўстликнинг бошланиш тарихи бир-бир ёдга тушмоқда.

Кунларнинг бирида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Лейда Пейпсга мактубини радиода эшитиб қолдим. Бу донгдор ҳамкасбим билан алоқа боғлаш, мусобақалашиш фикри туғилди. Эстонияга мактуб йўлладим. Шу илк мактубимда қандай қилиб сут соғувчи бўлганлигим, соғин сигирларнинг ҳар биридан 4500 килограммга етказиб сут соғиб олаётганим, ҳамкасбларим юксак ишонч билдириб, мени СССР Олий Совети депутатлигига сайлашгани, айни вақтда 10 нафар ёш соғувчига устозлик қилаётгачим тўғрисида ёздим.

Орадан кўп ўтмай, Эстониянинг «Вилянди» совхозидан жавоб хати келди. «Ҳурматли Мухтарама, — деб ёзган эди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лейда Аугустовна Пейпс. — Сизнинг ўзаро мусобақалашиш тўғрисидаги чақириғингизни бажонидил қабул қиламан. Сизни совхозимизга таклиф этаман. Келинг, дугонажон, мусобақалашайлик!»

Дўстона ёзишмаларимиз дастлаб Эстония ССРнинг республика газеталарида, бизнинг областимиз газеталарида эълон қилинди. Кейинроқ мусобақадошим ҳузурига отландим. Унинг тажрибаси, ютуқлари билан танишдим. Дугонамни Ўзбекистонга ҳам таклиф қилдим. Лейда Пейпс орадан кўп ўтмай, ўз совхозининг бир группа мутахассислари билан Ўзбекистонга келди. Колхозимиз фермасида ҳам бўлиб, амалга ошираётган ишларимиз билан танишди.

Меҳнатда туғилган дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик шу тариқа колхозимизда чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш, қорамоллар зотини яхшилаш, меҳнат жараёнларини механизациялаш, сигир соғишни автоматлаштириш соҳасида катта самаралар берди. Колхозимиз давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар топширишни йил сайин кўпайтира бошлади. Шарифа Муқимова, Эргашой Болтаева, Руқия Эргашева, Муҳаббатхон Латипова сингари илғор соғувчиларимиз ҳар бир сигирдан 4500—5000 килограммга етказиб серқаймоқ сут соғиб олишяпти. Шогирдим Шарифа Муқимова — СССР Олий Советининг депутати. Бу менга чексиз ифтихор бағишлайди.

Мусобақа меҳнатдаги ютуқларимиз гарови, тажрибалар билан ўртоқлашишнинг ўзига хос мактаби эканлигини ҳаёт яна бир марта яққол кўрсатди.

Муҳтарама ҒАФФОРОВА,
Бухоро области Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси, Ленин ордени кавалери, КПСС XXV съезди делегати.

МЕҲНАТДАН ТОПДИМ БАХТ

ЎША ЙИҒИЛИШДАГИ ҳаяжонимни бир умр унутмасам керак. Маҳаллий Советларга сайлов арафасида сайловчилар билан учрашувда сўзга чиққан нотиқлар менинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятим тўғрисида илиқ гаплар айтишди. Уларнинг қалб сўзлари ўзимнинг бутун ҳаётимга, бажараётган ишимга, коллективда тутган ўрнимга бошқачароқ бир назар билан қараб чиқиш заруриятини туғдирди. Ўша дақиқаларда обрў-эътиборимни оширган заводимни, мени эл-юртга танитган қадрдон ҳамкасбларимни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказдим.

Мактабни тугатгач, Қирғули индустриал техника билим юртига ўқишга кирдим. Химик мутахассис бўлиб етишдим. Ҳозирда Фарғона азотли ўғитлар заводининг ҳаво ажратиш цехида ишламоқдаман. Катта машинист лавозимида тажриба орттирдим. Қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш мақсадида мени комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Очиғини айта қолай: ўша кезлари анча қийинчиликликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Киши ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик фазилатига эга бўлса, ҳеч қачон доғда қолмас экан. Бизнинг социалистик жамиятимизда коллектив енгиб ўтолмайдиган, биргаликда ҳал этолмайдиган ҳеч қандай муаммо йўқлигига ўшанда ишондим. Бизнинг бригадамиз планларни ортиғи билан бажара бошлашига ҳам ана шу ҳамжиҳатлик асосий омил бўлди. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада бригадамиз аъзолари фаол қатнашмоқдалар. Ускуналардан оқилона фойдаланиш бригадамизга кунлик топшириқни 115—120 процент бажариш имконини бермоқда. Биз шонли юбилей арафасида ленинчасига, коммунистчасига меҳнат қилиб, барча имкониятларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун курашга сафарбар этмоқдамиз.

Робахон ЖЎРАЕВА,
Фарғона азотли ўғитлар заводи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, область Советининг депутати.

ЮКСАК ИШОНЧ

МЕН ҲАЛИ мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ, турсунойчи бўлишни, кенг пахта далаларида «зангори кема»ни моҳирона бошқариб, «оқ олтин» хирмонларига қут-барака киритишни орзу қилардим. Бу мақсадимга эришишимга ишонардим. Чунки, бизнинг жамиятда жонажон Коммунистик партия раҳнамолигида ҳар бир киши Ватан фаровонлиги йўлида нимаики истаса, орзусига етиш учун сабот-матонат билан меҳнат қилса, ўқиб-ўрганса, албатта истаги амалга ошмай қолмайди.

Мактабимизда механизаторлар курси очилгач, техникага бўлган ҳавас мени машғулотларга етаклаб келди. Эндигина тўққизинчи синфда ўқимоқда эдим. Ўқитувчиларимиз, колхозимизнинг бош инженери Собир Бекчонов ёрдамида техникани эгаллаб олдим. Ўнинчи синфда ўқиш билан бирга дала ишларида фаол қатнашиб, ғўза қатор ораларига ишлов бердим. Пахта терими бошланмасидан анча илгарийоқ агрегатни шайлаб қўйдим. Сменадошим Отабой Бегов билан бирга бутун терим мавсумида тиним билмай меҳнат қилдик. Ўша йилниёқ 150 тонна пахта тердим.

Мен мақсадимга эришиб, «зангори кема» капитани бўлгач, йил сайин ўз маҳоратимни, малакамни ошириш устида қунт билан ишлай бошладим. Бу нарса меҳнатда эришаётган ютуқларимда ўз самарасини кўрсатди. Ҳар йили терим машиналарида 250 — 300 тоннага етказиб пахта тера бошладим. Ўтган мавсумда механик-ҳайдовчи Қурбонжон Қутимова билан мусобақалашиб, хирмонга 300 тонна дурдона тўкдим. Бригадамизда пахта ҳосилдорлиги 55 центнерга кўтарилди.

Меҳнат қилган элда азиз бўлар экан. Менинг фидокорона меҳнатим ҳам юксак қадрланмоқда. Яқинда ҳамқишлоқларим мени Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлашди. Бу юксак ишонч янада унумли меҳнат қилишга, ишда ташаббус кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Роҳатпошша САИДОВА,
Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Оржоникидзе районидаги паррандачилик фабрикаси коллективида кўплаб фидокор хотин-қизлар социалистик мусобақа илғорлари сифатида ҳурмат қозонишган. Уларнинг зарбдор меҳнати туфайли гўшт ва тухум етиштириш йил сайин кўпайиб бормоқда. Суратда: илғор ходимларнинг бири — лаборант Зуҳра Саримсоқова.

Тикувчи Феруза Ғафурова Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор ишчиларидан биридир. У В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, ишда юксак унум ва сифатга эришмоқда. Суратда: Ф. Ғафурова.

А. Тўраев фотолари.

ОНАМ КЕТИБ БОРЯПТИ...

Онам кетиб боряпти, шол рўмолин дол ташлаб
Тўрт-беш тенгқурлари билан, қўлларида тугуни.
Менда эса юрак нотинч, қолди-ку сурон бошлаб
Боламга ким айтар бугун бувисин эртагини.

Оқ рўмолда оппоқ-оппоқ гуллаган олча бўлиб
Улар кетиб бораётир, кўкламга гулга кирган чоқ.
Гангир-гунгур, онажонлар кетмоқда кўча тўлиб
Не учундир ич-ичимдан қўзғоладир қалтироқ.

Бир-бир босиб, улар кетиб борарлар боқмай қиё
Мен-чи ҳозир гўдакмисол қичқириб юбораман.
Айтинг, сизларга йўл бўлсин, қўшни қишлоққами ё
Мағриб ёки Машриққами, ортингиздан бораман.

Ёнгинамда эдингиз-ку, ўзим билан андармон —
Уйим дедим, ўстирайин дедим тағин ўғил, қиз
Бугун ногоҳ сезиб қолдим, ногоҳ тортилган камон.
Ва сиз мендан ўқдай учиб. узоқлашиб боряпсиз.

Кўз олдимга келаётир, саҳаргача юммай кўз
Мен ишладим, кундуз эса мажлис, базм, иш, чорлов.
Мен эмас сиз қовоғимга қарадингиз шабу-рўз
Мизғиб қолсам уйғотмоққа юрагингиз бермай дов.

Зотан космос асри бугун, илғаймиз юлдуз тусин
Йўлин топиб ёндирамиз минг йиллик қадим қорни
Илғамай қолдим-ку бироқ, кексайдингиз қай йўсин.
Сочингизнинг ҳар толаси қай тезликда оқарди!

Дунё шовқин-суронлари бир лаҳзага жим қотсин
Керак ахир пайт-пайт билан базм тиниши, совуши,
Шип-шип оёқ товушлари юракларни уйғотсин
Кетаётган оналарнинг қадамларин товуши.

Бошларидан улуғ қуёш сочаркан шаъ нурини
Бир қувончли, бир армонли ҳисдан дилим порадир.
Оналар-чи, дунё унут, «сен»лашиб бир-бирини
Чақ-чақлашиб ён қишлоққа, тўйга кетиб борадир.

Онам кетиб боряпти шол рўмолин дол ташлаб...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

АЁЛ

ТАБИАТДА инсон ақлини лол қолдирадиган ғалати қонуниятлар бор. Ер куррасининг икки қутби ҳамиша бир-бирини рад этади. Аммо ҳар иккови бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланганки, бири бўлмаса иккинчиси шу ондаёқ барҳам топади. Шу жиҳатдан Ер куррасини аёлга ўхшатгим келади. Майинлик билан шижоат, меҳр билан жасорат тушунчалари аёл кишида нақадар уйғунлашиб кетганини ўйласам, баъзан ҳайрон қоламан.

Ривоят қилишларига қараганда, қадим-қадим замонларда ер юзида Инсон пайдо бўлибди. Бу — алпқомат, довюрак, шижоатли йигит экан. У йўлида дуч келган ҳеч қандай машаққатдан чўчимас экан. Кунлардан бирида тўсатдан мана шу йигитнинг вужудини ҳали ҳеч сезилмаган туйғу эгаллаб, оёқлари қалтираб кетибди. У ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаган экан. Ўзининг ҳолатига ўзи ҳам ҳайрон қолибди. Унинг рўпарасида даҳшатли куч эмас, нозиккина аёл пайдо бўлган экан. Аёл ўзининг худди ўша назокати билан, худди ўша майинлиги билан унинг вужудини ларзага солибди. Шу ларзадан дунёдаги энг қудратли энтикти-рувчан, яратувчан куч — муҳаббат пайдо бўлган дейишади.

Яна бир воқеа. Ипак йўли деб аталмиш машҳур карвон йўлига жойлашган Ўратепа шаҳрини Қўқон хонининг аскарлари ўраб олади. Шаҳар қўлидан келганча қаршилик кўрсатади. Аммо қамал узоқ чўзилмайди. Шаҳарга бостириб кирган аскарлар минглаpча одамларни қиличдан ўтказадилар. Ўн минглаpча бандиларни пойи-пиёда Қўқонга ҳайдаб кетадилар. Хон ўн минглаpча бандилар орасидан гўзал бир қизни танлаб олади. Уни ювинтириб, кийинтириб хон харамига киритадилар. Тўрда забардаст гавдали, кўркам чеҳрали хон ўтирар, ўртада фил суяги билан жило берилган хонтахта турар, хонтахта устида битта пичоқ, битта анор бор эди.

— Сени шоира деб эшитаман, — деди хон кулимсираб. У анорга имо қилди. — Мана бунга нима дерсан?

Эҳтимол хон шу топда бу гўзал қиздан икки оғиз байт кутгандир. Эҳтимол бошқа шоирлар-у шоиралар қилганидек, ўзининг шаънига мадҳия кутгандир. Негаки, у ўзи ҳам шоир эди. Шеъриятни яхши биларди.

Қиз на байт ўқиди, на шеър тўқиди. У хоннинг кўзига тик қараб шундай деди:

— Бағрин қонга тўлдирибдирсан!

Қизнинг бундай «бетга чопарлиги», айниқса сенсираб гапириши хонни ғазабга солди. Қарсак чалиб эшик оғасини чақирди:

— Олиб чиқинг буни!

Бу сўзни ҳар хил тушуниш мумкин эди. Балки хон бандини ўлимга ҳукм қилгандир, балки зиндонга солишни буюргандир. Нима бўлганда ҳам қиз қўрқмади. Негаки, ҳозир унинг рўпарасида нафосатни, адолатни ҳимоя қилувчи шоир эмас, ўзининг минглаpча юртдошларини қиличдан ўтказган хон турарди. Қиз виждони буюрган гапни айтди. Бу — кейинчалик ўзининг ажойиб шеърлари билан шуҳрат қозонган шоира Дилшод Барно эди. Умархон уни ўлдирмади. Шоиранинг шижоати унинг ҳаётини ҳам, номусини ҳам сақлаб қолди. Ҳолбуки, бу пайтда у энди ўн еттига тўлган эди. Тақдир экан, Умархон кўп ўтмай оламдан ўтиб кетди. Дилшод эса юз йилдан ортиқ умр кўрди...

Босмачилар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолган пайтлар эди. Кунлардан бирида улар ёшгина қизалоқни қўлга туширдилар. Бу қиз турнанинг кўзидан урадиган мерган эканини, кўп босмачиларнинг додини берганини билишарди. Шунинг учун ундан хумордан чиққунча қасос олмоқчи бўлдилар. Унинг қўлларини чопиб ташлашди. Шунда қиз ҳушидан кетгунча уларни лаънатлади. Босмачилар унинг тилини кесдилар. Қиз эса уларга энди тили билан эмас, кўзи билан нафрат оловини сочар эди. Унинг сийнасини кесиб ташладилар. Бу — эндигина балоғатга етган Майна Ҳасанова эди. Лекин буни қарангки, ўша босмачилар бир ой ўтмай Қизил аскарлар ўқидан қирилиб битди. Майна эса яна анча йил умр кўрди. Аслини олганда, унинг жасорати бундан кейин ҳам юртдошлари хотирасида абадий яшайди.

Самолёт одатдаги рейс бўйича сафарга отланди. Ғилдираклар ердан узилиши билан ёшгина, чиройликкина қиз кабина эшиги олдига келиб, йўловчилар билан саломлашди. Шу пайт қуроллланган икки йўловчи ўрнидан туриб самолёт кабинасига ташланди. Қиз ўзини четга олмади. Душман билан кучи етганча олишди. Уни шу ерда — осмоннинг ўзида отиб ташладилар. Бу — энди вояга етган Надежда Курченко эди... Яқинда Самарқандга учаётганимда худди ўша Надежда ҳалок бўлган самолётга ўтириб қолдим. Самолёт бортида кулиб турган чиройли қизчанинг сурати осиб қўйилганди...

Қизиқ, баъзан кучга тўлган йигитлар ҳам қилолмайдиган шунча жасоратни жажжигина, нозиккина мана шу аёллар қаердан олганига ҳайрон бўламан!

Яқинда Улуғ Ватан урушига оид ҳужжатли китобларни варақлаб ўтириб, бир нарсани ўқиб қолдим. Немислар куз тушмасданоқ урушни тугатамиз деб ўйлашган эди. Аммо улар Москва яқинига келганда силласи қуриб, тўхтаб қолишди. Улар ҳаммасига даҳшатли рус қиши айбдор, деган қарорга келишди. Кейин хўп «ўқимишли», хўп «зукко» немис олимлари «ажабтовур» тажриба бошладилар. Уларнинг нияти совуқ теккан немис аскарини қай йўл билан сақлаб қолишни аниқлаш эди. Бунинг учун қўлга тушган асирларни, шаҳар-қишлоқлардан йиғиб келинган одамларни тўплаб ишга киришдилар. Тажриба оддий эди. Қаҳратон қишда ҳовузга сув тўлдирилади, сувга асир ёки оддий одамни солишади. Унинг неча минутда музлаши-ю, неча минутда жони узилишини кузатишади. Тажриба учун собиқ аскарлар, чоллар, болалар, аёллар ишга солинди. Немис олимлари айниқса бир нарсага ҳайрон қолишди. Оддийгина бир аёл совуққа ҳаммадан кўп чидади. Ҳа деганда ўлавермади. Улар бу аёлнинг бардошига ҳайрон қолишарди-ю, нарироқда унинг учта боласи мўлтираб турганини билишмасди. Эҳтимол ўша аёл учта боласи қолаётгани учун ҳам ҳаётга кўпроқ ёпишгандир. Учта боласини етим қолдирмаслик учун ўлим азобига узоқроқ чидагандир. Баъзан хотинларнинг жони қирқта бўлади дейишади. Эҳтимол чиндан ҳам шундайдир. Эҳтимол ўз наслини давом эттиришнинг масъулияти кўпроқ аёл зиммасига тушгани учун ҳам унинг жони қаттиқроқ бўлар, шу боис унинг ҳаётга муҳаббати кучлироқ бўлар.

Қадимдан қолган яна бир ривоят бор. Иттифоқо бир кечада бир хонада икки аёлнинг кўзи ёрибди. Иккаласи ҳам ўғил кўрибди. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, болалардан бири туғилган заҳоти оламдан ўтибди. Шунда ўша аёл шеригининг боласига ёпишиб, бу менинг болам, сенинг боланг ўлган, деб даъво қила бошлабди. Масалани ажрим қилишга биронта гувоҳ йўқ экан. Шу боисдан жанжални ҳеч ким ечиб беролмабди. Охири иккала хотин етаклашиб шоҳнинг олдига боришибди. Бу муаммодан шоҳнинг ҳам боши қотиб қолибди.

— Бола меники! — дебди биринчи аёл.

— Йўқ меники, бу хотин сизни алдаяпти, — дебди иккинчиси.

Шоҳ ўйлаб-ўйлаб қатъий қарорга келибди. Жаллодни чақириб буюрибди.

— Болани иккига бўл! Иккалови олиб кетаверсин.

— Бўпти! — дебди биринчи аёл.

Иккинчи аёл доллаб, шоҳнинг оёғига йиқилибди.

— Майли, болани анави ола қолсин. Фақат тирик қолса бўлди.

— Бола иккинчи аёлники! — дебди шоҳ. — Ҳеч қандай она ўз боласига ўлим тиламайди!..

Шунақа... Она меҳри ҳаёт ато қилса, ёр меҳри ўлимлардан асрайди.

Жангчи фақат душман ўқидан эмас, хиёнатдан ҳам ўлади, дейдилар. Худди шунингдек жангчини фақат совут билан қалқон эмас, ёр вафоси ҳам ўлимдан сақлаб қолади.

Урушда бир оёғини ташлаб келган тоғам бўларди. У уруш тўғрисида гапиришни ёмон кўрарди. Фақат бир марта қизиқ воқеани айтиб берган. Польшага борганида снаряд парчаси тегиб, оғир яраланибди.

«Айни баҳор эди, — деб ҳикоя қиларди у, — госпиталда ётибман. Врачлар оёғингни кесмасак, қорасон бўлиб ўлишинг тайин, дейди. Бир ёқда қорнимга снаряд тегиб ҳаммаёғим илвираб кетган. Офицер эдим. Қани энди шахсий қуролимни беришса-ю, ўзимни отиб ташласам, дейман. Ойдек хотинимнинг олдига шу алпозда қандоқ қайтиб бораман... Бир куни хат келди. Келинойинг ғалати гапни ёзибди. Маҳалладаги отинга фол очирган экан. Отин ўргатибди. Ой тўлиб турган кечада мижжа қоқмай оймўмога тикилиб ўтирсанг, худди шу пайтда эринг ҳам ойга тикилиб турган бўлса, бир-бирларингни кўрасан, деганмиш. Келинойинг ўшандан буён ҳар доим ой тўлган кунлари кечаси билан осмонга тикилиб чиқармиш. Хатни ўқидим-у госпитал деразасидан ташқарига қарасам, осмонда тўлин ой кўриниб турибди. Чиндан ҳам ойда келинойингни кўргандек бўлдим. Нимага энди етдим деганда йиқилишим керак, нимага энди шунча жанг қилиб ўлиб кетишим керак экан, деб ўйладим. Мана, кўриб турибсан, бинойидек юрибман.

Шарқ мамлакатларидан бирига совет балети меҳмон бўлиб борди. Улкан санъат қасрига йиғилганлар томоша бошланишини сабрсизлик билан кутиб ўтиришарди. Шу пайт залдан нозиккина аёл оҳиста ўта бошлади. Ҳеч ким унга эътибор ҳам бермади. Бир маҳал у аста-секин дирижёрлик пультига чиқди-да, таёқчасини кўтарди. Шунда залда ўтирганлар бирдан ўрнидан қалқди. Ҳаммалари бараварига қарсак чалиб юбордилар. Энг зукко санъат билимдонлари ҳам мана шу ёшгина аёлнинг дирижёр эканлигидан ҳайратга тушган эдилар. Унинг сеҳрли таёқчаси бир имо қилиши билан жонбахш оҳанглар тилга кирди-ю, томошабинларнинг қалбини ларзага солди. Бу — ўзбек қизи Дилбар Абдураҳмонова эди...

Менинг Баҳром деган дўстим бор. Болаликдан бирга ўсганмиз. Унинг онасини ҳаммамиз хола деб эмас, амма деб эмас, опа деб атардик. Бу — ниҳоятда кўркам, нари борса опамиз тенги, ниҳоятда ёш аёл эди. Биз болалар сандалнинг четига ўтириб олиб кўнглимизга сиққанча шўхлик қилардик, кечаси билан тўполон қилиб чиқардик. Опамиз эрталаб туриб чойимизни тайёрлаб берарди-да, кетмонини кўтариб далага чиқиб кетарди. Узоқ йиллар шундай бўлди. Орадан анча вақт ўтгандан кейингина, вояга етганимиздан кейингина, бу аёл мислсиз жасорат кўрсатганини тушундик. У эри фронтга кетганида энди ўн саккиз ёшга тўлган экан. Ёлғиз фарзанди учун бутун умрини бағишлаган экан. Ҳолбуки у ниҳоятда ёш, ниҳоятда гўзал аёл эди. Бунинг устига у ўзининг оппоқ сочли қайнонасини узоқ йиллар фариштадек кафтида кўтариб юрди. Мана, ҳозир Баҳром бола-чақали бўлди, опамизнинг айтишича, ўзидан кўпайди. Биз эса опамиз, опажонимиз кўрсатган жасоратнинг моҳиятини энди англаяпмиз. Биламан, бу гапларни ўқиганда истеҳзоли кулиб қўядиган аёллар ҳам бор. Начора, карвон бехато бўлмайди. Аммо, мен, эри йигирма кун командировкага кетганида уйига сиғмай қоладиган хотинлар ҳақида эмас, ўша опамиз ҳақида гапиргим келади. Негаки, шунақа аёллargина аёл зотини асрлар бўйи улуғлаб келганлар. Бизнинг замонда — Советлар юртида бу тушунча яна ҳам чуқурроқ моҳият касб этди.

Бола эмизаётган аёлга эътибор берганмисиз? Унинг кўзларига қаранг. Унда сиз ғаройиб нарсани кашф этасиз. Бола эмизаётган аёлнинг кўзларидаги ифода ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч кимда бўлмайди! Бунақа покиза, бунақа чуқур, бунақа самимий меҳрни бошқа ҳеч қаерда кўрмайсиз. Эҳтимол худди шунинг учун ҳам энг улуғ рассомлар муҳаббат деганда аввало мана шу муҳаббатни тасвирлашгандир.

Дунёда қўшиқлар кўп. Аммо биров мендан энг биринчи қўшиқ нима эди деб сўраса ҳеч иккиланмасдан она алласи, деб айта оламан. Дунёнинг бир чеккасида йигитнинг ўз севиклисига атаб айтган қўшиғини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир йигит яхши тушунмаслиги мумкин. Дунёнинг бир чеккасида бир одам шодлигини мадҳ этиб куйлаган қўшиғини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам яхши англамаслиги мумкин: биз ҳоҳлаймизми, ҳоҳламаймизми ер юзида ҳамон чегара деган тушунча бор. Аммо ишонч билан айта оламанки, дунёнинг бир чеккасида туриб айтилган она алласига дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол овунади. Негаки, она меҳрини тўсадиган чегара йўқ. Эҳтимол алланинг қудрати мана шундадир. Эҳтимол аёлнинг қудрати мана шундадир. Эҳтимол она-юрт, она тили, она-Ватан деган иборалар мана шундан келиб чиққандир. Эҳтимол она-Ер деган ибора шундан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам мен Ер куррасини онага ўхшатаман. Шунинг учун ҳам Ер куррасини аёлга ўхшатаман.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

МХР МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали президиумининг Раиси Ю. Цеденбал 7 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга Монголия Халқ Республикасининг олий мукофоти — Сухэ-Батор ордени билан Олтин Юлдуз медалини топширди.

СССР билан МХР ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, ялпи тинчлик ишига қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан А. Н. Косигинга Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони берилган эди.

Ю. Цеденбал А. Н. Косигинни самимий қутлади ҳамда тинчлик ва социализм йўлидаги масъулиятли фаолиятида унга сиҳат-саломатлик ва янгидан-янги катта муваффақиятлар тилади.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Сизга ишониб топширган масъулиятли лавозимлардаги кўп йиллик самарали фаолиятингиз, СССРда коммунистик бунёдкорлик улуғ ишига, бутун дунёда тинчлик ва социализм ишига қилаётган фидокорона хизматингиз Монголия коммунистлари ва меҳнаткашларига яхши маълум, деди у.

Монголияда Сизни изчил интернационалист курашчи, СССР билан МХР ўртасида бузилмас қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг, барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигининг қизғин тарафдори сифатида яхши билишади ва ғоятда ҳурмат қилишади, деди Ю. Цеденбал.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг тинчлик ва коммунизм учун атоқли курашчи, монгол халқининг азиз дўсти ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Ленинчи Марказий Комитети, СССР ҳукумати ва шахсан Сиз, азиз Алексей Николаевич, мамлакатимиздаги социализм қурилишида бебаҳо ёрдам ва мадад кўрсатиб келдингизлар ва ҳозирда ҳам шундай қиляпсизлар мамлакатимизнинг янада ривожланиши ва равнақ топиши тўғрисида, Монголия меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини мунтасил юксалтириш ҳақида бундай чуқур интернационалистик ғамхўрлик кўрсатаётганликларингизни яна бир бор таъкидлаб ўтишдан хурсандман.

А. Н. Косигин юксак мукофот учун Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетига, Буюк халқ хурали президиуми, МХР ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик билдирди ва бу мукофотни совет халқи билан монгол халқи ўртасидаги бузилмас дўстликнинг рамзи, ҳеч қачон ва ҳеч нарса билан доғ туширилмаган Совет — Монголия муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг катта роли эътироф этилганлиги деб қарайман, деди.

Мана қарийб олтмиш йилдирки, деди А. Н. Косигин, СССР билан МХР дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик йўлидан бормоқдалар. Улуғ Октябрь ва Монголия халқ революцияси шундай муносабатларни бошлаб берди, В. И. Ленин ва Сухэ-Батор унинг пойдеворини қурди. Совет — Монголия муносабатлари замон синовидан ўтибгина қолмади. Бу муносабатларнинг мустаҳкамлиги социализм ва тинчлик учун биргалашиб олиб борилган курашда синовдан ўтди ва чиниқди, бу курашда қардош партияларимиз ва халқларимиз ҳамиша якдил ва жипс бўлдилар. Ўртоқ Цеденбал айтганидек, улар ҳамиша битта меҳнат бригадасида, жангдаги битта экипажда бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, шахсан Л. И. Брежнев қардош Монголия билан муносабатларимизга муттасил чуқур эътибор бериб келяптилар. Бу муносабатлар пролетар интернационализмининг мустаҳкам пойдеворига, иккала мамлакат халқлари туб манфаатларининг муштараклигига асосланади. Монголия Халқ Республикаси қудратли социалистик ҳамдўстликнинг аъзоси сифатида социалистик бунёдкорлик йўлидан дадил олға бормоқда, дунёда муносиб ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда, мустаҳкам чегараларга эгаки, бу чегараларни ҳеч ким буза олмайди.

Пировардида А. Н. Косигин дўстона сўзлари учун ўртоқ Цеденбалга миннатдорчилик билдирди ва социализм қуришда ҳамда тинчликни мустаҳкамлашда монгол халқига катта муваффақиятлар тилади.

Мукофотни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ҚИЗЛАР ДАФТАРИДАН

КЕЛИНЧАККА

Севилиб севганнинг муборак
эй, Ой
Оламда йўқ сендай бахтли
гулчирой,
Бошингдаги оппоқ ҳарир
рўмолинг,
Тўлқин урар елда мисли
тошқин сой.
Кўз-кўз қилиб зебо
келинлигимни,
Бўлдинг нигоҳимни узмас
назаржой.
Сени бахтли кўрмоқ
муродим эди,
Шукур, мақсудимга етдим,
ўргилай,
Қўшилганнинг билан қўша
қаригил,
Ёмон кўз тегмасин сенга,
қошин ёй.

Бибисора ОТАЕВА
Хоразм.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

Н. К. Крупская медали билан мукофотланганлигим туфайли мени табриклаган партия, совет ва жамоат ташкилотларига, халқ маорифи ходимларига ва ўртоқларга газетангиз орқали самимий миннатдорчилигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Ш. РАШИДОВ.

КАЛЕНДАРЬ ВАРАҒИ...

8 МАРТ МОНОЛОГИ

Мен — қутлуғ, жуда қутлуғ байрамман. Хотин-қизларнинг халқаро бирдамлиги куни. Уларнинг ширин-ширин орзулари асрлар бағрида кеза-кеза, охири мен туғилган кунда ушалган. Мен улар учун озодлик, бахт рамзи бўлиб қолганман.

Паранжилар отилган гулханлар бағрида туғилдим мен. Мен оловларнинг ўрлашидан ўсиб чиққан бир қояга ҳам ўхшайман.

Мен маърифатпарвар шоир, озодлик куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни кўрганман. Мен шоирнинг юрагида яшаган армон эдим.

Мен кўз ёшлари дарё бўлган қизларнинг ҳам армони эдим. Кўз ёшларигина эмас, бардошлари ҳам эдим уларнинг. Мен узилган, чилпарчин қилинган ва ҳозирда музей экспонатларига айланган қуллик занжирининг халқаларига ҳам ўхшаб кетаман.

Турсунойлар, Шаҳрихонлар кўксига қадалган пичоқнинг тиғини қайирган метин қоя мен ўзим. Қанча-қанча барно барчинларнинг порлоқ орзуларини олиб балқиган қуёшнинг нурларига ҳам ўхшайман.

Мен йўл босиб келавердим. Қоронғи муюлишларда йўлларимни тўсдилар. Шодликларини орқалаб келар эдим мен. Бу шодликлар мотамларга ҳам айландилар баъзан. Бу армонларнинг қатида сўзланмаган кўп қўшиқлар қолди.

Мен ёниб-ёниб яшадим, ёниб-ёниб улғайдим. Аввали хаёл эдим рости. Энди ҳақиқатга айландим. Ахир, бахт ҳам аввали аёлларнинг орзуси-армони эди. Энди бахт уларнинг таржимаи ҳолига айланди. Тунларнинг зулмати кумуш тонглар билан алмашди.

Иссиққа, совуққа, жазирамаларга дош бердим йўлларда. Мен бу юртда одамлар одамларни сийлаётганини кўриб қувондим. Аёллик, оналик эъзозларнинг аршида эканидан қувондим.

Ҳаёт мени озодлик, бахтнинг рамзи дея яратганидан қувондим. Мен бахтни кашф этдим. Мени эса улуғ Ленин ва Ҳамзага ўхшаган инсонпарвар одамлар кашф этдилар. Мен биламан, бу юртда гуллар ўсади, орзулар кўкаради. Бу юртда одамлар, аёллар ўз номи, ўз меҳнати билан улуғланадилар.

Лекин дунёнинг ҳамма чеккасида ҳам гуллар ўсмайди-ку ҳозир. Ер курраси нотинч, она замин нотинч. Негаки, бахтга, одамзодга хиёнат қилаётганлар бор. XX асрга хиёнат тошини отаётганлар бор. Солдат шинели супрага айланганича йўқ.

Тинчлик мавзуи, урушга нафрат мавзуи кун тартибида турибди.

Мен яна шуни биламан, оналар ўғил зотига ташна яшайдилар бир умр. Ўғилни кашф этган ҳам оналар. Дунёнинг қадди алпдай бўлсин деб ўғил туғади, ўстиради улар. Ғурур ғолиб бўлсин деб, шодликларнинг поёни бўлмасин деб орзу қиладилар оналар.

Оналар бир умр ёруғ орзулар хаёли билан яшайди. Севгига доя бўлиб яшайди улар. Оналарнинг юраги — қалъаси, севгиси — сармояси.

Бу юртда аёллар аллалар тўқийдилар. Беланчаги жаҳонини тебратиб ғазаллар ўқийди ўғлига. Замонни, юртни дуолар айлаб яшайди улар.

Оналар ҳаётни ардоқлаб яшайди. Дунё тақдиридан безовта бўлади гоҳо улар. Бу олам тинч бўлмоғини истайди.

Мен уларнинг масъум, гўдак хаёлидай ғуборсиз чеҳраларига боқиб шуни ўқийман. Улар — кулгу. Улар — тинмас юрак. Улар — мунис жонлар. Мен шундай аёлларга тақдирдош эканим билан фахрланаман. Тақдир мени қайта яратганида ҳам мен фақат шу диёрни, шу диёр аёлларини дугона айлар эдим ўзимга.

Биламан, мен оддий календарь варағи эмасман. Порлоқ тақдирли одамлар ҳар баҳор шу кунни байрам қиладилар. Ҳар баҳор шу такрор. Аёллар календарь варағига қўл чўзадилар, бахтидан яшнаб кетган шу аснода менинг тарихимни ёдга оладилар.

Алвон юзларимда курашлар, ол шафақларнинг ранги, бўёғи қолган.

Аёллар, айниқса сочлари кумушдай оппоқ бувилар мени шунчаки йиртиб олмайдилар. Силаб-сийпалаб, термулиб турадилар. Сўнг мени кўзларига суртади улар. Мен юрган йўллар, мен ўтган сўқмоқларда қолиб кетган дугоналари, оналари, устозлари хотирасига аста бош эгиб, таъзим этадилар.

Улуғлар пойига гулчамбарлар олиб борадилар. Шукроналик изҳор айлаб, дил шодлик қўшиқларини айтадилар.

Мен — байрамман. Бугун ҳам қанча-қанча янги қўшиқларни олиб келганман. Қанча ёр-ёрлар, ўланларни йўл-йўлакай улашиб келдим аёлларга.

Йўл-йўлакай уларни кузатдим. Аёлларнинг бири зафарлар китобини битарди. Бири эса чўллар дафтарини варақларди. Тиниқ орзулар, янги истиқболлар, янги кашфлар хаёли билан яшаётган, меҳнат қилаётган азиз замондошлар, улуғ сиймо-оналарни кўриб севиниб кетдим. Ташаббуслар, зафарларга тамал тошини қўяётган заргар қўлларга таъзим айлагим келди. Шунинг учун ҳам чўлқувар қизларни севиб олдим.

Оламнинг мунавварлиги жаҳонда аёллар борлигидан. Оламда алла деган ажойиб ҳаётбахш музанинг борлиги, эртак деган сеҳрли мўъжизанинг борлиги ҳам оламда болажон оналар борлиги туфайлидир.

Бахтлар водийсида мен баҳор кезиб юрганини кўрдим. Муҳаббат, саодат диёрида баҳор... Беш йилликлар даврида яралган иншоотлар бағрида баҳор одимларини кўрдим.

Кечагина баҳор — нурлар соҳилига ўхшаб кўринарди. Бугун аёлларимиз бу нур соҳилида туриб, саодатли кунлар учун 53-бор шукрона қилмоқдалар.

Байрам гулоби қўлларда. Қадаҳлар ичида жимирлаётган бу бахт деган, мунаввbooрлик деган майдир, гулобдир. Бу гулоблар шуъласида мен янги қўшиқларни, янги алёрларни кўраман.

Шарқнинг буюк алломаси Абдураҳмон Саъдийнинг ғазалини такрор ўқиётганларини эшитдим.

Соч толаси ингичка,
Гарчи ипак толадан.
Лекин бирлашган чоғи
Занжирдан ҳам мустаҳкам.

Бирлашиб, ўртоқлашиб кетган рус, ўзбек, қозоқ, тожик қизларни учратдим. Уларнинг сафларида бўлгим, улардан қўшиқлар ўргангим келди. Улар куйлаётган қўшиқ бахт қўшиғи эди.

Ана, аёллар қўшиқ куйлашмоқда. Бу қўшиқлар менга, Сизга, одамларга ўтмишдан, бугундан, келажакдан сўзлайди. Манглайи ёруғ, қалби сурурли аёлларнинг она алласи билан ҳар тонг уйқудан уйғонгувчи дунёнинг нашъу намоларидан сўзлайди.

Аёллар қандай қўшиқ куйламасин, бу қўшиқларнинг оҳанглари бахтдир. Нақорати эса — курашлардан иборат.

Мен байрамман. Аёлларнинг тақдирига айланганман. Йўлларига нур бўлиб тўшалганман. Мен муҳаббат, толе, орзу, келажак сўзларини уларнинг қисматига ёзиб қолдирган календарь варағи.

Шоирлар менга тасвир, ранг излаб оворадир баъзан. Аслида мен бахтнинг қудрати, муҳаббатнинг суратидирман.

Бугун мен туғилган кун. Хаёлларим дарёлардай оқади. Ҳар дилни сўроқлагим келади. Бахтлимисиз, деб сўрагим келади. Оппоқ тилаклар жавоб қиладилар менга.

«Бахтлимиз, бахтлимиз!»

Аёллар, азизлар олам нурларини бошингиздан тўкай. Дунё шодлигини келтириб ҳадя этай. Севинчларингизга ҳамроҳ бўлай бир умр. Эзгулар улашай, саодатлар келтирай яна.

Табассумлар кўрай чеҳрангизда. Умрингиз баҳордай тиниқ, унинг офтобидай нурафшон бўлсин. Қучоғингиз гулга тўла бўлсин. Мен сизнинг қуёшли табассумингизнинг рамзиман, азиз аёллар!

Мен — байрамингизман.

Эътибор ОХУНОВА.

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДАН

СССР Фанлар академияси умумий йиғилишининг Москвадаги Олимлар уйида ўтаётган сессияси академиянинг ўтган йилги фаолиятини муҳокама қилди. Академиянинг ҳисобот доклади юзасидан бўлган музокаралар фан-техника тараққиётининг энг зарур проблемалари — экономикани, соғлиқни сақлашни, маданиятни янада ўстириш соҳасидаги тадқиқотлар совет тадқиқотчиларининг бош мавзуи эканлигини кўрсатди.

5 март куни сессия ўз ишини давом эттирди.

СССР Фанлар академиясининг президенти сайланди.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Фан ва техника давлат комитетининг раиси академик Г. И. Марчук, КПСС Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири С. П. Трапезников, академия раҳбарлари ўтиришибди.

Йиғилишда сўзга чиққан академиклар — И. Ф. Образцов, А. А. Баев, Б. А. Рибаков, Н. В. Мельников, А. Ю. Ишлинский, Я. Б. Зельдович, А. Л. Яншин совет фани штабининг илмий-ташкилий фаолиятига юқори баҳо бердилар, академик А. П. Александровнинг совет фани муваффақиятларига қўшган жуда катта тадқиқотчилик ва ташкилотчилик ҳиссасини уқтириб ўтдилар.

Йиғилишда М. В. Зимянин нутқ сўзлади.

Яширин овоз бериш натижасида мамлакатимизнинг атоқли олими академик Анатолий Петрович Александров яна СССР Фанлар академиясининг президенти қилиб сайланди.

Академиянинг олий мукофотларини топшириш маросими бўлди.

* * *

СССР Фанлар академиясининг Москвадаги Олимлар уйида уч кун давом қилган йиллик сессияси 6 мартда ўз ишини тугатди.

Якунловчи кунда СССР Фанлар академиясининг президиуми сайланди.

Академиклар В. А. Котельников, Е. П. Велихов, А. А. Логунов, Ю. А. Овчинников, Б. Н. Петров, А. В. Сидоренко, П. Н. Федосеев СССР Фанлар академиясининг вице-президентлари қилиб сайландилар; академик В. А. Коптюг СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси — вице-президент қилиб сайланди.

Академик Г. К. Скрябин СССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари қилиб сайланди.

(ТАСС).

Кўклам экиш мавсумига тайёрмисиз?

ЯНГИ МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Кўкламги дала ишларига тайёргарликни аъло даражада якунлашимиз, ер, техника, уруғлик чигит, ўғитларни шай ҳолга келтиришимиз, механизатор кадрлар сафини мустаҳкамлаб, экипажларни комплектлаб олмоғимиз керак. Узоғи билан бир ҳафтада чигит экишни тўла тугаллаш учун ихтиёримизда бўлган барча имкониятлар ва резервларни ҳаракатга келтиришимиз лозим. Ўтган йилнинг тажрибаси кўрсатдики, об-ҳаво ҳар доим ҳам деҳқонлар кутганча келавермайди. Шундай кезларда иш қуролимизнинг соз бўлиши, кадрларимизнинг қийинчиликларни енгишга шай туриши ғалабани таъминлайди.

Район партия комитети ўтган хўжалик йили якунларини танқидий тарзда таҳлилдан ўтказди, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, энг муҳими, илғор тажрибаларни ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўряпти. Ўтган йили районимиз бўйича гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Бу планда кўзда тутилганидан деярли 8 центнер кўп демакдир. Она-Ватанга 41,5 минг тонна юқори сорт пахта етказиб берилди.

Бу йилги вазифа янада улканроқ. Хўжаликларимиз ҳосилдорликни гектар ҳисобига янада кўтаришлари, иш самарадорлиги ва сифатни яхшилашлари, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар гарданига ортишлари лозим. Шундай қилинганда агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилади, чигит яхши фурсатларда экиб бўлинади, ниҳоллар тупроқнинг табиий намига ундириб олинади, ҳар гектар майдонда 120—130 минг тупгача ўсимлик бўлиши таъминланади. Барча хўжаликларимизда илмий-назарий конференциялар, амалий машғулотлар, тажриба алмашиш кечалари ўтказиш йўли билан илғор пахтакор, чорвадор хўжаликлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўряпмиз.

Қорақалпоғистон АССРда пахта етиштириш йилдан йилга кўпайтириляпти. Автоном республиканинг улкан хирмонига районимиз пахтакорлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётирлар. Қаерда илғор тажриба пайдо бўлса, фан-техника ютуқлари дадиллик билан ҳаётга жорий этилиб, яхши натижаларга эришилса, уни оммалаштириш ҳақида қайғуряпмиз. Районимизда ишидан ибрат олса, тажрибасини ўрганса арзийдиган пахта усталари кўплаб етишиб чиқяпти, уларнинг сафи мустаҳкамланяпти.

Гектаридан 50—67 центнердан пахта хирмони кўтарган Ж. Нисонов, Ҳ. Ҳайдарбоев, Б. Заримбетова, Р. Дўсов, Ш. Гелдиев, Қ. Аширов, А. Байрамов, Қ. Мустафоевлар бошлиқ бригадаларимизнинг тажрибаси районимизда пахта ҳосилдорлигини янада кўтариш учун жуда катта резервлар борлигини кўрсатмоқда. Биз хўжаликларда илғор тажриба мактаблари ташкил этиб, уларда кўп, сорти юқори, таннархи арзон пахта етиштирган коллективлар раҳбарларининг чиқишларини уюштирдик. 1980 йил учун 48 бўлим пахтакорлари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Мажбуриятларнинг қабул қилиниши улкан ишнинг бошланишидир. Яхши ниятни рўёбга чиқармоқ учун синчковлик билан иш тутмоқ, ички имкониятларни чамалаб кўрмоқ, камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулотлар етиштириш йўлларини излаб топмоқ талаб этилади. Пахтачиликда комплекс механизация ва химизация кенг жорий этилаётган ҳозирги шароитда таваккалига иш тутиб бўлмайди, фан-техника ютуқларига таяниш талаб этилади.

Шу жиҳатдан олганда барча техника воситалари, айниқса, чигит экиладиган механизм-агрегатлар кўкламга шайми, вақти-соати етганда пахтакор деҳқонларимизни, хусусан механизаторларимизни доғда қолдириб қўймайдими? Техникани икки сменада ишлатиш чоралари кўрилдими? Уруғлик чигит, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар етарлими? Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ана шу масалалар юзасидан ҳар бир хўжаликда текшириш ўтказди. Эътироф этиш керакки, техниканинг асосий қисми дала ишларига тўла тайёрлаб қўйилди. Лекин ҳали нуқсони тугатилмаган техника воситалари ҳам йўқ эмас. Айрим хўжаликларда механизатор кадрлар состави яхши комплектланмаган, чигит экиш экипажлари, отрядлари тузиб чиқилмаган.

Ўтказилган текширишлар яна шуни кўрсатдики, районимиз бўйича қиш ойларида далаларга ҳар қачонгидан кўп органик ўғит чиқарилган. Минерал ўғитларни ташиб олиш тезкорлик билан олиб бориляпти. Бироқ ҳосилдорликни оширишда асосий омиллардан бири бўлган органик ўғитларнинг бир қисми ҳамон чорва фермалари, комплексларида, совхозлар ишчиларининг сигирхоналари, қўйхоналари, паррандахоналарида уюлиб ётибди. Уларни шу кунларда далаларга ташиб чиқарилмаса қачон чиқарилади? Эртамас-индин баҳорги ишлар қизиб кетганда бу ишларни қилишга қўлимиз тегмай қолади-ку! Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир хўжаликда органик ўғитлар тўплайдиган бригадалар ташкил қилдик, уларга етарли миқдорда транспорт воситалари ажратиб берилди.

Пахтакорларимиз шўр ювиш, ирригация-мелиорация тармоқларини тартибга келтириш, янги ерлар очиш ва бошқа муҳим ишларни график асосида сифатли бажармоқдалар. Чигит экиладиган ерлар тракторлар ва сеялкалар киритилишига тайёрлаб қўйилмоқда.

Пахтачиликда техника деҳқонларимизнинг суянган тоғи. Г. Сарсанбоева, Ж. Жумаев, А. Заримбетов, Ж. Жорилқосинов, Н. Бердиев, Я. Отабоев, А. Қистовбоев, А. Илёсов каби юзлаб механизаторларимиз бултур чигит экишни қисқа фурсатларда сифатли қилиб ўтказдилар. Аксарият механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда бункерлардан 180—250 тоннадан дурдона тўкиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Улар шу кунларда ўзлари бошқарадиган тракторлар, сеялкаларни тахт қилиб қўйдилар, ўзгаларни ҳам шунга чорладилар. Натижада ялпи юксалишга эришилди. Техника мавсумга тахт. Биз ана шу азаматларнинг фидокорлигига таяниб, чигит экишни узоғи билан бир ҳафтада ўтказамиз дея оламиз.

Партиямиз қишлоқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштиришга ҳамиша катта эътибор бериб келди, ҳозир ҳам катта эътибор беряпти. Биз партиямиз кўрсатган йўлдан бориб, бош вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг самарали усул ва воситаларини танлаб олиб, бошланган ишни муваффақиятли равишда охирига етказмоғимиз керак. Мақсадимиз эса аниқ. 1980 йилни ленинча ишлаш, зарбдор меҳнат йилига айлантирамиз, она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп ва юқори сифатли пахта, чорва маҳсулотлари етказиб берамиз.

А. ШАРИПОВ,
Шуманай район партия комитетининг биринчи секретари.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

Собиқ шоҳнинг жиноий фаолияти ҳамда АҚШнинг Эрон ички ишларига аралашуви тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқаётган комиссия кўпдан-кўп ҳужжатлар билан танишди. Бу ҳужжатлар Америка монополиялари Эрон шоҳидан фойдаланиб Эроннинг ва унинг миллий ресурсларини, аввало нефть ресурсларини нақадар ваҳшиёна талаганликларини кўрсатади.

Эндиликда Америка маъмурияти бу ишларнинг ҳаммаси учун бирон кечирим сўраш ниятида эмаслигини билдирмоқда. Эрон халқининг қонуний талабларига қарамай, Қўшма Штатлар собиқ шоҳни қайтариб бериш ниятида бўлмаган ва ҳозир ҳам қайтариб бермоқчи эмас. Америка расмий кишиларининг айтганлари бундан далолат бериб турибди.

Эрон ташқи ишлар министри Қутбзода халқаро комиссия ўз ишининг собиқ шоҳ жиноятлари тўғрисида гувоҳларнинг маълумотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган биринчи қисмини тугатганлигини айтди. Министрнинг сўзларига кўра, комиссия ишининг иккинчи қисми барча гаровга олинган америкаликлар билан учрашувлардан иборат бўлади.

(ТАСС).

Апрель революцияси ғалабаларининг ҳимоясида сергак турган афғон халқи қуролли кучларининг профессионал маҳорати ва сиёсий тайёргарлиги ошмоқда. Афғон жангчилари ўртасида АДР мудофаа министрлигининг «Жанговар қаҳрамонлиги учун» вимпелига сазовор бўлган 15-алоҳида танк бригадаси катта шуҳрат қозонган. Суратда (чапдан ўнгга): лейтенант Ғ. Умар, бригада командири Ғ. Фаруқ, механик-ҳайдовчи М. Қосим ва сержант К. Зоир «Жанговар қаҳрамонлиги учун» вимпели билан.

Г. Надеждин фотоси.
ТАСС махсус мухбири.

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистон Демократик Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги Теҳрон радиосининг гўё афғон самолёти яқинда Эроннинг осмон чегарасини бузди, деган хабарини рад этди. АДРнинг компетентли органлари биронта ҳам афғон самолёти Эроннинг осмон бўшлиғига кирмаганлигини билдирадилар. Иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларига ҳамиша путур етказишга уриниб келган кучлар ғаламисликдан иборат шундай хабарни тўқиб чиқаришга қўл урганлар, деб таъкидланади баёнотда.

АДР Ташқи ишлар министрлигининг бошқа бир баёнотида Покистон ҳарбий самолётлари Кунар вилоятида Афғонистоннинг осмон чегарасини бузганлиги айтилади. Покистон ҳукумати, деб уқтирилади баёнотда, регионадаги кескинликни кучайтиришдан ўзини тийиб туриши керак. Шундай ҳаракатлар такрорланган тақдирда бунинг учун жавобгарлик тўла-тўкис Покистон маъмурлари зиммасига тушади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ЖЕНЕВА.** Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши секретарияти ва кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар экспертлари редакцион группасининг Европа Иқтисодий ҳамжамияти экспертлари билан биргаликда муносабатлар асослари тўғрисидаги битимнинг қўшма лойиҳаси ишлаб чиқилишига бағишланган икки кунлик мажлиси ўз ишини тамомлади. Ана шу мажлисни ўтказиш тўғрисида 1979 йилнинг ноябрь ойида бир битимга келинган эди.

Мажлисда битимдаги фикрларнинг яқинлиги аён бўлган моддаларнинг текстини ишлаб чиқишга киришилди.

● **ЛУСАКА.** Зимбабве ватанпарварлик фронти раҳбарларидан бири африкаликлар миллий иттифоқи (ЗАНУ) президенти Р. Мугабе Солсберида бўлажак ҳукуматнинг фаолияти тўғрисида программавий баёнот берди. Мугабе бу ҳукумат «миллий фронт» ҳукумати бўлиб, унга мамлакатдаги барча етакчи сиёсий партияларнинг вакиллари, энг аввало Ж. Нкомо бошчилигидаги Зимбабве африкалик халқ иттифоқининг вакиллари киради, деб таъкидлади. Р. Мугабе ташқи сиёсат масалаларига тўхталиб, бундай деди: Зимбабве қўшилмаслик ҳаракатига ва миллатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ички тараққиёт вазифалари тўғрисида гапириб, у қуйидагиларни таъкидлади: асосий эркинликлар мустаҳкамланади, фойдаланилмаётган ерлар ва эгалари ташлаб кетган ерлар қайтадан тақсимлаш мақсадида давлат ихтиёрига олинишни назарда тутилмоқда.

(ТАСС).

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА

ТЕҲРОНДАН ХАТ

2500 йиллик шоҳ истибдодини барҳам топтирган Теҳрондаги февраль қуролли қўзғолонидан кейинги бир йил мобайнида миллион-миллион эронликлар овоз бериш қутиларига, сайловолди шиорларига, плакатларга, иморатларнинг деворларига ёзилган хитобномаларга одатланиб қолдилар, деса бўлади. Шу вақт ичида мамлакатнинг революцион маъмурлари давлат тузумининг янги формаси — Ислом Республикасини тасдиқлатиб олиш учун умумхалқ референдумини ўтказдилар. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқувчи кенгашни сайладилар, шу конституцияни маъқулладилар ва ниҳоят мамлакатнинг биринчи президенти учун овоз бердилар.

Энди эронликлар янги республика парламентининг депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз бериш мақсадида яна сайлов участкаларига келишлари керак. Март ойининг ўрталарига белгиланган сайлов анча мураккаб вазиятда ўтишини айтиш керак. Бир палатали парламентдаги 270 депутатлик ўрнига расмий равишда рўйхатга олинган икки мингдан кўпроқ номзод даъво қилмоқда. Уларни биргаликда ёки алоҳида-алоҳида тарзда салкам 150 та сиёсий партия ва ташкилот, юзлаб диний ва жамоат бирлашмалари кўрсатганлар. Сиёсий кучларнинг бениҳоя хилма-хиллиги Эрон жамиятининг структураси, синфий, ижтимоий, иқтисодий, миллий, диний тузилиши мураккаблигини ифодалайди. Бироқ, энг муҳим кучларнинг позицияларини ҳар ҳолда ажратиб олса бўлади.

Ислом Республикаси партияси депутатлик ўринларининг кўпчилигини олиш учун яхши имкониятларга эга. Партия раҳбарларининг айтишича, унинг беш миллионга яқин аъзоси бор. Шу партиянинг раҳбарлари ички ишлар министрлигида, миллий мудофаа министрлигида, радио ва телевидениеда муҳим мавқеларни эгаллаб туришибди. Улар ҳозирги ўтиш даврида Эрондаги олий ҳокимият органи — Ислом Революцион Кенгашининг кўпчилигини ташкил этади.

Иккинчи томондан, Революцион Кенгашга бошчилик қилаётган Эрон президенти А. Банисадр Ислом Республикаси партиясининг раҳбарлари билан бир неча бор мунозара қилиб, очиқдан-очиқ «ғайри парламент» ибораларини ишлатишгача етиб борган эди. Президентни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ҳам бўлажак сайловда актив қатнашишга бел боғлаганлар ва ҳатто Эрон Ислом революциясининг раҳбари — оятилло Ҳумайнийнинг билвосита мададкорлигига сазовор бўлганлар. Оятилло Ҳумайний Банисадр тарафдорлари конгрессига табрикнома йўллаб, уларни парламент депутатлигига муносиб номзодларни кўрсатишга чақирди.

Сўл кучлар ўз номзодлари рўйхатлари билан майдонга чиқдилар. Уларнинг Эрон сиёсий ва ижтимоий турмушига таъсири тобора сезиларли тус олмоқда ва табиийки, сайловолди кампанияси даврида улар реакциянинг тобора кучайиб бораётган қаршилигига дуч келдилар. Сўл кучларнинг энг оммавий ва нуфузли отряди — «Эрон халқининг муқаддас иши учун курашчилар ташкилоти» («Мужоҳиддини халқ»)га ҳуружлар ҳозир шу ташкилотнинг бюросига қуролли босқинлар қилишга, унинг активларини ўлдиришга, матбуотда бадном қилишга айланиб кетмоқда. Баъзи бир таниқли давлат ва дин арбоблари ҳам «мужоҳидлар»ни койиб гапирмоқдалар.

Либерал буржуазия намояндалари ҳам ҳокимият жиловини қўлга олиш йўлидаги уринишлардан воз кечганлари йўқ. Бироқ, «Имом йўлининг издошлари — мусулмон студентлар» ташкилоти буржуа арбобларининг келишувчилик ҳаракатларини ва уларнинг Эрондаги революцион ўзгаришларга қарши Америка империализми билан тил бириктирганликларини фош этувчи бир қанча ҳужжатларни эълон қилганидан кейин либерал буржуазия намояндаларининг мавқеи анча пасайиб кетди.

Парламент сайлови тамом бўлганидан кейин президент парламентга ҳисоб берувчи кабинетни тузадиган бош министрни тайинлайди. Бундан ташқари парламентнинг қарорлари ислом дини ақидаларига ва конституция қоидаларига мувофиқ келиш-келмаслигини назорат қилиб бориш вазифасини бажарадиган кузатув кенгаши тузилади. Эҳром тарзида тузиладиган мана шу ҳокимият чўққисида ҳамма эътироф этган диний арбоб — «фақиҳ» туради.

Шуни айтиш керакки, ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатдаги олий ҳокимиятни оятилло Ҳумайний амалга оширмоқда. У бевосита халқнинг ўзига таяниб, империализмга ва молия корчалонларига қарши, халққа хизмат қиладиган демократия учун ҳамда мазлум омма турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини зарур даражада ўзгартириш йўлини ўтказишга уринмоқда.

Шу тариқа, сайловдан кейин шоҳ монархиясидан республика идора усулига ўтишнинг ташкилий даври ниҳоясига етади. Эроннинг ҳозирги раҳбарлари шундай деб ҳисобламоқдалар. Шоҳ ва унинг океан нариёғидаги ҳомийлари томонидан таланган, узоқ вақт давомидаги шиддатли курашда мадори қуриган мамлакат ниҳоят осойишталик даврини, хўжалик юксаладиган ва социал тараққиётга эришиладиган даврни кўришга муштоқ бўлиб турибди.

Қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятнинг янги органлари олдида бениҳоя мураккаб вазифалар турибди. Президент Банисадрнинг эътироф қилишича, Эрон экономикаси ва бошқарув аппарати издан чиққан. Йирик корхоналар ва фирмаларнинг эгалари ҳамда маъмурлари жуда катта капитални ва банклардан олинган кредитларни ҳамёнларига солиб чет элга қочганлар. Чет элдан келтириладиган хом ашё, запас қисмлар, деталлар ва технология асбоб-ускуналарига қарийб 90 процент қарам бўлган саноат аслида ҳаракатсиз турибди. Неча миллионлаб ишсизлар армияси вужудга келди. Шоҳ ўтказган «ислоҳотлар»дан кейин қишлоқ хўжалиги таназзулга юз тутди, хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолиси шаҳарларга кўчиб, синфий қиёфасини йўқотган саёқ унсурлар сафига қўшилмоқда.

Энг асосий истеъмол моллари, озиқ-овқат тахчиллиги тобора кўпроқ сезилмоқда. Кейинги бир йил мобайнида нарх-наво 70—100 процент кўтарилди. Шу сабабли ҳукумат нефть сотишдан олинган маблағнинг жуда катта қисмини савдо-сотиқни рағбатлантиришга, бекор турган заводлар ва муассасаларнинг ишчи ҳамда хизматчиларига иш ҳақи тўлашга, кўпдан-кўп ишсизлар армиясига нафақа беришга сарфлашга мажбур бўлмоқда. Кўп миллатли Эроннинг чекка ўлкалари нотинч бўлиб турибди. Миллий масалани ҳал этишнинг суст ёки номтик методлари хусусида кичик миллатларнинг норозилигидан шоҳпарастлар ва Америка империализмининг агентлари граждан уруши чиқариш учун гиж-гижлаш мақсадларида фойдаланмоқдалар.

Эроннинг республикачи маъмурлари мана шундай ва бошқа кўпгина қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Тараққийпарвар демократ кучлар шу қийинчиликларни бартараф этиш учун энг таъсирчан ўзгартишлар программаларини таклиф этмоқдалар. Улар экономикани қайта қуриш, империалист давлатларга қарамликни тугатиш, капиталист корхона эгаларининг бедодлигини чеклаш, кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзлаб социал ислоҳотлар ўтказиш учун қатъий ҳаракат қилишни талаб этмоқдалар.

Бироқ, мамлакат ҳукмрон доираларининг баъзи бир номояндалари етилиб турган муаммоларни ҳал этишнинг катта йўлидан бориш ўрнига диққат-эътиборни энг зарур вазифалардан чалғитиш учун ташвиқотчилик найрангбозлигини ишлатишга уринмоқдалар.

Аммо, мамлакат олдида турган муаммоларни ёлғон ташвиқот ёрдамида ҳал этиб бўлмайди. Янги маъмурларнинг шоҳга қарши революция қилган меҳнаткашларнинг талабларини қондиришга тайёрлиги ва лаёқатли эканлиги эълон қилинган шиорларнинг ҳақиқий ишларга нақадар мувофиқлигини кўрсатадиган мезон бўлади.

Ҳозир Эрон халқ оммасининг моддий аҳволи жуда ночор бўлиб турибди. Халқ оммаси Эроннинг ҳозирги раҳбарларига доимий ҳокимият органларини тузиш учун берган муҳлат тез орада тугаши лозим. Шу боисдан аҳолининг кенг табақалари сайловга актив қатнашмоқдалар: улар ўзларининг келажак тўғрисидаги орзу-умидларини парламент ва доимий ҳукуматнинг иш бошлаши билан боғламоқдалар.

М. КРУТИХИН,
(ТАСС мухбири).

«ОЛИМПИАДА-80» ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков Совет Иттифоқига визит билан келган Америка ва Канаданинг бир группа ўқитувчилари ва спорт журналистлари билан 6 март куни Москвада учрашди.

И. Т. Новиков чет эллик меҳмонларга Москвада ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида батафсил гапириб берди, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ТАСС).

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ УЧУН СПРАВОЧНИК

Рус тилида «Бошланғич партия ташкилоти секретари учун справочник»нинг иккинчи нашри босмадан чиқди. Биринчи нашрида бўлганидек бу китобчада мақолалар, консультациялар, саволларга жавоблар, статистик маълумотлар, партия хўжалигини юритишга доир ҳужжатлар бор.

Олий ўқув юртлари, мактаблар, медицина муассасаларидаги партия ташкилотларининг иши тўғрисида маслаҳатлар илова қилинган. Материаллар КПСС XXV съезди, Марказий Комитет сўнгги Пленумлари қоидалари асосида партия Марказий Комитети қарорлари, Л. И. Брежневнинг нутқлари ва докладларидаги қоидалар ҳамда хулосалар асосида тайёрланган. Справочник бошланғич партия ташкилотлари секретарларига, сайлаб қўйилган партия активига мўлжалланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ОСТИДА

РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА УЙҒУР АДАБИЁТИ СЕКЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Яқинда бўлиб ўтган республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг йиғилишида ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича ижодий Совет ҳамда уйғур адабиёти секцияси ташкил этиш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Истеъдодли уйғур шоири, филология фанлари кандидати Рўзи Қодирий уйғур адабиёти секцияси раиси, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси М. Ҳамроев раис ўринбосари, Э. Усмонов, Ҳ. Солиҳова, Я. Тоиров, С. Сатишев каби адиблар ва шоирлар секция Совети аъзолари қилиб сайландилар.

Уйғур адабиёти секцияси ташкил этилишининг аҳамияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида Р. ҚОДИРИЙ мухбиримизга қуйидагиларни айтди.

— Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча халқлар қатори уйғур халқи учун ёркин истиқбол уфқларини очди. Ўтган давр ичида уйғур халқи орасидан таниқли шоир ва олимлар, машҳур санъаткорлар етишиб чиққанлиги фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳузуридаги уйғур ансамбли чиқишлари санъат ихлосмандларининг қизғин олқишига сазовор бўлмоқда. Бу уйғур халқининг бой ва сермазмун санъатига бўлган қизиқиш кундан кунга ошаётганини кўрсатади. Шу ўринда мен республикамизда уйғур классик халқ музикаси меросининг гултожи — Ўн икки муқомнинг тикланганини чуқур мамнуният билан айтиб ўтишни истар эдим. Ахир бу қутлуғ иш осонликча амалга оширилгани йўқ. Даставвал республика Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳузурида муқомларни тиклаш группаси ташкил этилди. Бу группа кенг кўламда қизғин иш олиб бормоқда. Ниҳоят уйғур халқи мусиқасининг нодир дурдонаси — Ўн икки муқом яна дилларни забт этиб янграй бошлади. Бу уйғур совет адабиётида ҳам янги саҳифа очилишига сабаб бўлди. Ўн икки муқомнинг тикланишидек қутлуғ иш улуғланган шеърлар, достонлар, уйғур халқ санъатининг намояндалари, уларнинг ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи насрий асарлар юзага кела бошлади. Буларнинг барчаси, жумладан уйғур адабиёти секцияси ташкил этилиши ҳам партия ва ҳукуматимизнинг уйғур совет маданиятига ва адабиётига оталарча ғамхўрлик қилаётганидан далолат беради. Серқуёш Ўзбекистонда яшаб истеъдодли уйғур адиблари ва шоирлари ижод қилмоқдалар. Бугунги кунда уларнинг асарларини уйғурлар қатори рус, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлар ҳам севиб ўқишмоқда. Уйғур халқининг турмуш тарзи, маънавий олами, анъанавий удумлари, эзгу интилишлари билан танишмоқдалар. Табиийки, уйғур адабиёти секцияси уйғур совет адабиётини ҳар томонлама етук асарлар билан бойитишда, уйғур ансамбли репертуарини ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол асарлар ҳисобига янада ранг-баранг этишда муҳим роль ўйнайди.

Партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт аҳлига қилаётган ғамхўрлигидан илҳомланган уйғур адиблари ва шоирлари ҳам самарали ижод қилмоқдалар. Секция йиғилишларида уларнинг янги асарлари, адабиётшуносларимизнинг тадқиқотлари, адабий танқидчиларимизнинг ишлари ҳамда шу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинади. Бугунги кунда уйғур адибларининг баркамол асарлари қардош халқлар тилларига таржима қилинмоқда. Ёки аксинча совет адабиёти дурдоналари уйғур тилига ўгирилмоқда. Бу таржималар ҳам секция йиғилишларида кўриб чиқилади. Уйғур адабиётининг буюк намояндалари ижодига бағишланган адабий кечалар ҳамда уларнинг юбилейларини ўтказиш, фольклор намуналарини нашрга тайёрлаш, шунингдек ёш ижодкорларнинг асарларини муҳокама қилиб, нашриётларга тавсия этиш секциянинг асосий вазифаларидандир. Уйғур шеърияти антологиясини тайёрлаш ҳам секциянинг энг муҳим ишларидан бири ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда Қозоғистондаги уйғур адабиёти секцияси билан узвий алоқада бўлиш кўзда тутилмоқда. Чунки улар бу борада анча тажриба тўплашган. Бизнинг ҳамкорлигимиз яхши самаралар бериши табиий.

Ҳеч шубҳа йўқки, кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлган уйғур совет адабиёти равнақида, уйғур адибларининг замондошларимизни улуғловчи, ёркин истиқболлар сари илҳомлантирувчи бадиий баркамол асарлар яратишларида секция фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Уйғур халқининг адабиёти, санъати ҳам дўстлик қуёши остида янада гуллаб-яшнайверади.

Ўлкамизга баҳор келиб ҳаммаёқ кўм-кўк тусга кирмоқда. Фарғона область, Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» совхозининг «Ленинобод» бўлимидаги теплицада шу кунларда айни кўклам. Кўм-кўк петрушка, кашнич, укроп ва пиёзлар кишн дилини очади. Бўлим ишчилари ана шу резаворларни йиғиштириб олиб, Фарғона шаҳар савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига жўнатмоқдалар. Йил бошидан бери 17500 дона лимон йиғиштириб олиниб, давлатга топширилди. Суратда: теплицанинг ички кўриниши.

Н. Раҳмонов фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА НОМЗОДЛАРИ

ҚИЗЛАР ҚЎЛИДА ЧАВГОН

Хоккейчи қизларнинг довруғи бугунги кунда ҳаммага аён. «Андижанка» командаси машҳур бўлиб кетди. Ўзининг чиройли ва мароқли ўйинлари билан мухлисларини мафтун этди. Эндигина ўн саккиз — йигирма баҳорни кўрган қизлар яшил майдон узра чавгон ўйнатиб, томошабинларни ҳайратга солмоқдалар. СССР хоккей федерацияси аёллар командалари комиссиясининг раиси Д. Фирсова чим хоккейчилар ҳақида гапириб, бундай деганди:

«Мамлакатимизда биринчи бўлиб майсазорга ўзбекларнинг Андижон шаҳри қизлари тушди. Хотин-қизларнинг чим устида хоккейи эндиликда Олимпиадага чорланиб турибди. Спортимиз солномасида андижонлик хоккейчиларнинг номи бошловчи сифатида абадий қолиши аниқ. Чунки улар Иттифоқимизда бу соҳада пионерлик қилишиб, аёллар хоккейини бошлаб бердилар».

Москвалик журналист М. Гледов хоккейчи қизлар ҳақида завқ билан ёзади: «Бу, биз шимолликлар учун, негадир ғайри-табиийдек кўринади. Ҳатто биринчи учрашувдан кейин ҳам ғалати туюляпти. Аммо, модомики, хоккейчи қизлар сўзи юзага келиб, чим устида аёллар хоккейи Москва Олимпиадаси программасига илк марта киритилган экан, бунга зўр эътибор бермоқ керак. Бир ташаббускор Мирон Ким пайдо бўлган экан, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим». Шунга ўхшаш СССР аёллар терма командасининг бош тренери В. Громоков ҳам хоккейчи қизларимиз шаънига дил сўзларини баён қилган эди: «Андижонликлар спортимиз ҳаракатида катта қўриқ очишди. Бу қўриқ бугунги кунимиз учун жуда зарур эди. Шунинг учун ҳам унинг издошлари кўпайди. Эндиликда хоккейчи қизларнинг овозаси бутун мамлакатимиз бўйлаб таралмоқда. СССР терма командасига асос солинди. Команданинг юзага келиши сўзсиз «Андижанка» номи билан боғланиб қолади».

Яшил майдонда нафосат соҳибалари бўлган аёлларнинг чавгон ўйнатиши сервавқ ва шиддаткорлиги билан таҳсинга лойиқдир. «Хоккейни йигитларининг марди ўйнайди» деган қўшиққа «Лобар қизлар майдонда» ибораси қўшилди. Бу тузатишни андижонлик хоккейчи қизлар киритишди. Аёллар хоккейи гарчанд бундан беш йил бурун бошланган бўлсада, тез оммалашди. 1975 йил ноябрь. Андижонда шаҳар биринчилиги учун очиқ турнир ўтказилди. Бу мамлакатда биринчи мусобақа эди. Баҳсда беш команда иштирок этди. Биринчи совринни Андижон олий спорт маҳорати мактаби базаси асосида ташкил топган «Андижанка» қизларига насиб этди.

Шундан кейин «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Россия совети ажойиб ташаббус билан чиқди. Москвада биринчи Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. «Андижанка» бу мусобақада олти имкониятдан беш очко тўплаб, бош совринга сазовор бўлди. Турнирнинг овозаси мамлакатга тарқалди. Украина, Россия, Кавказ ва бошқа жойларда ҳам хоккейчи қизлар командалари ташкил этилди. Андижонликларнинг тажрибасини ўрганиш учун спортчилар кела бошладилар.

«Андижанка» Болгария, Чехословакияга сафар қилди. Л. Аҳмерова, С. Рассолова, Э. Орифжонова, Н. Гарбаткова, А. Хам СССР терма командаси сафида Москва, Берлин шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда қатнашдилар. СССР спорт комитетининг қарорига мувофиқ ўтган йили ёзда аёллар командалари ўртасида биринчи бор мамлакат чемпионати бўлди. Аввалига ўн команда ўзаро саралаш учрашувларини ўтказди. Кучлиларини аниқлаш баҳсини муваффақиятли якунлаган Москва ва пойтахт областининг спартакчилари, физкультура институти спорт клуби, Горький шаҳрининг «Спартак», Бокунинг «Буревестник» ҳамда «Андижанка» коллективлари финалга чиқишди.

Бу олти коллектив бир ҳафта мобайнида ҳал қилувчи учрашувларни ўтказди. Ниҳоят Москва областининг «Спартак» ва «Андижанка» командалари бир хил очко жамғаришди. Олтин медаль эгаси аниқланмай қолди. Низомга мувофиқ қўшимча вақт ажратилди. Шунга кўра ўйин 90 минут давомида шиддатли тус олди. Мухлислар «Спартак» ғалабага эришади, деган фикрда эдилар. Чунки москваликлар ҳисобни тенглаштириб қўйгандилар. Аммо, «Андижанка» қизлари бўш келишмади. Улар аҳиллик билан, бир-бирларини қўллаган ҳолда ўйнаб ҳужумкорликка зўр бердилар. Спартакчилар ҳужумини эса матонат билан бартараф этиб туришди. Қўшимча белгиланган ўйиннинг биринчи ярми тугай деганда Светлана Рассолова дарвозага иккинчи тўпни йўллади. Бу ғалаба тўпи — чемпионликни келтирган тўп бўлиб қолди. Бу тўп команданинг тўрт йиллик машаққатли меҳнати эвазига олтин медаль келтирди. Мамлакат чемпионатининг биринчи мукофоти андижонликларга насиб қилди...

Вакилларимизнинг ажойиб ғалабасига хоккейчилардан С. Рассолова, Л. Аҳмерова, М. Ҳайдарова, А. Хам, Н. Гарбаткова, В. Заздравних, Э. Орифжонова, Е. Кондратенко, С. Терешко, Л. Павлова, Э. Бекметова, Е. Шулженко, Н. Ляшченко, З. Чауш, М. Платонова, З. Шерфетдинова, С. Байкенова, Ф. Исимбаевалар муносиб ҳисса қўшдилар. Мамлакат чемпиони номига сазовор бўлган ана шу хоккейчилардан олти нафари ҳозирги кунда СССР терма командаси аъзоси бўлиб, Москва Олимпиадасига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Улар Лейля Ахмерова, Светлана Рассолова, Алина Хам, Элвира Орифжонова, Валентина Заздравних ва Неля Гарбатковалардир.

— Москва Олимпиадасигача бир қанча мусобақаларда куч синашишга тўғри келади, — дейди команда тренери М. Ким. — Бу баҳслар спортчиларнинг йирик анжуманига тайёргарлик босқичи тарзида ўтказилади. Қизларимиз яқинда СССР терма командаси сафида Ҳиндистонга йўл олади. Апрель ойида эса Ленинградда Европа чемпионлари кубоги учун мусобақада иштирок этадилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 11 мартда чиқади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — Буратино кўргазмаси. 10.40 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.10 — Бугун — Халқаро хотин-қизлар куни. 11.30 — Москвичка. 12.45 — Спектакль. 15.05 — Дунё воқеалари. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Катянинг ҳайвонот боғи. Бадиий фильм. 2-серия. 16.25 — Спортлото. 16.40 — Ҳайвонот оламида. 17.40 — Фильм-концерт. 18.50 — Аср товламачиси. Бизнес оламида туркумидан. 19.15 — Цирк майдони. 20.00 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.15 — Миниатюралар театри. 21.30 — Время. 22.05 — Сизлар учун, азиз хотин-қизлар. Останкино концерт студиясида байрам кечаси. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театрининг спектакли. 10.55 — Сўз кетидан — сўз келар. 11.20 — Қувноқлар даврасида. 11.50 — Спектакль. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 13.50 — Она. 15.15 — Шеърият билан учрашув. 18.20 Билмасвой қуёш шаҳрида. 2-3-фильмлар. 18.45 — Ҳар доим бўлсин онам. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Севги куйлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон куйлагай.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.45 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Байрамингиз муборак бўлсин, азиз хотин-қизлар! 9.30 — Ёшлик. 10.25 — Дугоналар. 11.30 — Қўшиқлардан қўшиқларга. 12.00 — Ўзбекистон хотин-қизларига. Кантата. 12.45 — Катталарга болалар ҳақида. 13.00 — Ассалом, азиз оналар. 13.30 — Сизлар учун, азиз хотин-қизлар. Концерт. 14.00 — Замин ва деҳқон. 16.10 — Ўзбекистон донгдор хотин-қизларининг талабларига биноан концерт. 17.30 — Баҳор ҳақида, бахт ҳақида куйлаймиз. 18.15 — Хайриниссонинг орзуси. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — Ф. Шукурова чалади. 20.25 — Концерт. 21.00 — Қўлда дутор, дилда қўшиғим билан. Музикали программа. 22.28 — Ўзбек шоираларининг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

10 — 16 МАРТ

10 МАРТ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёввойи ит Динго. Бадиий фильм. 11.40 — Ҳайвонот оламида. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари. 16.00 — Оналарнинг мактаби. 16.30 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.00 — Ф. Шопен. Мазуркалар. 17.30 — Телестадион. 18.00 — Моҳир қўллар. 18.30 — Беш йиллик. Якунловчи йил. 19.00 — В. Черних «Бобров иши». Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Халқ ижодиёти. 22.50 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. 23.25 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Қадрдон ўлка. 19.00 — Хотира ва қалбларда мангу яшайди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий театр. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ака-ука Ваҳобовлар куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қизиқарли математика. 21.55 Ёшлик. 22.30 — Ҳужжатли фильм. 22.40 — Телефильм.

11 МАРТ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Спектакль. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Жонажон табиат. 16.40 — Л. Бетховен. 2-симфония, ре-мажор. 17.20 — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. 18.00 — Концерт. 18.25 — Орлёнок. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — СССР халқ артисти А. Борисов А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди. 20.15 — Эстрада программаси. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Сўз кетидан — сўз келар. 18.45 — Нурафшон давра. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга боқ. 19.55 — Ф. Белялов куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Илғор тажриба мактаби. 22.20 — Генерал Раҳимов. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Физика. 22.05 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 22.35 — Театр учрашувлари.

12 МАРТ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фил ва арқон. Бадиий фильм. 10.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.00 — Звездочёт. 16.45 — Горнчилар, қаердасиз! 17.15 — Рус тили. 17.45 — Ёшлар адреслари. 18.45 — Фан оламида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.45 — Беш йиллик байроқдорлари. 20.00 — Ишонч. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Нежданова кўчасида. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Атом тузилиши. 13.00 — Генерал Раҳимов. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Иқтисод ва тежамкорлик учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қўзилатиш кампанияси — масъулиятли давр. 22.20 — Тихомировнинг фожиаси. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Ота-оналар учун консультация. 21.35 — Назарий механика. 22.35 — Ҳужжатли фильм.

13 МАРТ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз! 10.35 — Ишонч. Бадиий фильм. 12.05 — П. Чайковский. «Итальян капричиоси». 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — Мураббий. 17.10 — Урал баянчилар триоси чалади. 17.40 — СССР халқ рассоми М. Сарьян ижоди ҳақида фильм. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида ёзувчи Ю. Нагибин билан учрашув. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Бир актёр театри. 13.30 — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси. 14.00 — Тихомировнинг фожиаси. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ҳаёт каби барҳаёт. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап. 22.35 — Марияга аталган олмослар. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Тошкентлик кулоллар. 20.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.15 — Физика. 22.25 — Лоқайдлик. Фильм. 22.40 — Театр.

14 МАРТ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қувноқ стартлар. 10.50 — Бўри галаси. Бадиий фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Поэзия. 16.35 — Сувга сакраш бўйича халқаро мусобақа. 17.00 — Москва комсомолининг ишлари. 17.30 — Вероника. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Время. 20.10 — Кавказ асираси ёки Шурикнинг янги саргузаштлари. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. Қишки сарой. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Фильм-спектакль. 12.15 — Шеърият мухлисларига. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Марияга аталган олмослар. Бадиий фильм. 14.15 — Замандаш. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Ёшлик. 19.05 — Халқ жасорати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ССР халқ артисти Х. Зарипов. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси қатнашчилари учун концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.55 — Математика. 21.55 — Она тили. 22.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Рубин» (Қозон).

15 МАРТ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.05 — Жаҳон халқларининг ижоди. 11.35 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.05 — Сувга сакраш спорти бўйича халқаро мусобақа. 12.55 — Советлар ва ҳаёт. 13.25 — Спортлото. 13.40 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 14.15 — Бизнинг обзор. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Суп қаердан келади. Бадиий фильм. 16.30 — Қуёш омборхонаси. 17.00 — Мультфильмлар. 17.25 — Ҳужжатли фильмлар. 17.45 — Ҳамдўстлик. 18.30 — Концерт. 19.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали программа. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 Миниатюралар театри. 10.55 — Концерт. 11.35 — Тошкент кеча, бугун, эртага. 12.00 — Биринчи меҳмон. Бадиий фильм. 13.15 — Депутат ва унинг иши. 13.25 — Кинoредакция почтасидан. 14.10 — Жанговар постда. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Санъат ғунчалари. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Инсонга ғамхўрлик кўрсатиб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултойи залидан репортаж. 22.25 — Қурултой қатнашчилари учун концерт.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

16 МАРТ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.05 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қурилиш ва архитектура. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Мангу даъват. Бадиий фильм. 10-серия. 16.20 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 16.55 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.55 — Бугун — турар жой, коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Халқаро панорама. 19.55 — Тунги дозор. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия альманахи. 23.10 — Дрезденда социалистик мамлакатлар бал рақслари ижрочиларининг халқаро конкурси. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Премьералар, учрашувлар, дебютлар. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Мультипанорама. 13.30 Фильм-концерт. 14.30 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 15.10 — Реклама. 18.20 — Фонарик. 18.50 — Цирк! Цирк! Цирк! 19.20 — Юксак хизмат кўрсатиш маданияти учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қўшиқларда қиз қалби. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқларда қиз қалби программасининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Эртага — премьера.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт** (ўзбек тилида, 12.00, 19.00), 9/III да **Золушка** (12.00), **Кармен** (19.00), 11/III да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/III да **Уйланиш** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30), 9/III да **Истеҳком** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30), 11/III да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/III да **Кулги кечаси** (12.00, 19.30), 9/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси,** 10/III да **Йиллар ўтиб...**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IIIда **Отасининг қизи** (12.00, 15.00), 9/III да **Беш кунлик куёв** (12.00, 15.00), 10/III да **Тўй муборак, қари қиз,** 11/III да **Отасининг қизи** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** 8/III да 13.00, 16.00 ва 19.30 да, 9/III да 12.00, 16.00 ва 19.30 да.

●

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ
Гастроллари

ПРОГРАММАДА:
«ШЕРЛАР ОРАСИДА»
(Бербер шерлари)
ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — цирк санъати Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти БОРИС БИРЮКОВ.

РСФСР ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭРБЕК КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги

«АЛИБЕК»
ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

Паузаларда — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз-МИМ, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист ВИЛЕН МЕЛИКЖАНЯНнинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

●

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» трестининг
УҚУВ ПУНКТИ
футеровкачи-кислотаупорчи ва термоизоляция бўйича изолировкачиларни тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 18 ва ундан катта ёшдаги ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 8—10-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади. Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга разряд берилади ва улар «Монтажхимзашита» Тошкент бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефон 56-45-46.

●

ДИҚҚАТ!
«СПРИНТ» БИЛЕТЛАРИ
марказлаштирилган ҳолда
«СПОРТЛОТО»
ФИРМА КИОСКАСИДА
(метронинг «Ҳамза» станциясида)
АЛМАШТИРИЛАДИ
«Спортлото» Ўзбекистон республика бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Театр жамияти Огаҳий номидаги Хоразм область театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси

Хайитбой БОБОЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси 700000 Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-85-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 34-57-20; 32-54-18 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51 32-57-21 32-54-24 ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22 коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚКАССР — 2-42-62 Тошкент — 32-53-20 Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35, Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92, Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р 01843. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 57. 11